



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI ABU RAYHON BERUNIY
NOMIDAGI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

**“QURILISH VA ARHITEKTURA SOHASIDAGI INNOVATSION
G‘OYALAR, INTEGRATSIYA VA TEJAMKORLIK”**

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ, ИНТЕГРАЦИЯ
И ЭКОНОМИКА В ОБЛАСТИ
СТРОИТЕЛЬСТВА И АРХИТЕКТУРЫ»**

**IN THE NAME OF
ABU RAYHAN BERUNI
URGANCH STATE UNIVERSITY**

**“INNOVATIVE IDEAS, INTEGRATION,
AND ECONOMY IN THE FIELD OF
CONSTRUCTION AND
ARCHITECTURE”
SCIENTIFIC AND PRACTICAL
REPUBLICAN CONFERENCE**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
1-TO‘PLAMI**

Urganch 2025-y



TASHKILY QO‘MITASI:

RAIS:

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti rektori v.v.b.,
professor - **S.U. Xodjaniyazov**

HAMRAISLAR:

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti ilmiy ishlar va
innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, PhD, dotsent - **Z.Sh. Ibragimov**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti xalqaro hamkorlik
bo‘yicha prorektori, f-m.f.d., professor - **G‘.U. Urazboyev**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti, Texnika fakulteti
dekani, f-m.f.n., dotsent - **M.Q. Qurbanov**

Toshkent davlat transport universiteti, Avtomobil yo‘llari muhandisligi
fakulteti dekani, t.f.d., professor - **A.X. Urokov**

Xorazm viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi boshqarmasi, Urganch
tuman bosh arxitektori - **R.B. Matmuratov**

ILMIY KOTIB:

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti, “Qurilish”
kafedrası dotsenti, PhD - **A.A. Qutliyev**

TASHKILY QO‘MITA A‘ZOLARI:

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti yoshlar masalalari
va ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar bo‘yicha prorektori, PhD, dotsent - **D.I. Ibadullayev**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti moliya-iqtisod
ishlari bo‘yicha prorektori - **A. Atajanov**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti “Qurilish”
kafedrası mudiri, t.f.n., dots. – **Q.K. Axmedov**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti “Arxitektura”
kafedrası mudiri **R. Palvanov**

t.f.d., prof., R. Raximov, t.f.d., prof., B.Raxmonov, t.f.n., dots., K.Kuryozov, i.f.n., dots., N. Sattorov, a.f.n., dots., M. Setmamatov, a.f.f.d., dots., S. Atoshev, a.f.f.d., Sh. Abdullayeva, dots., Sh. Xo‘janiyozov, t.f.f.d., S. Sultanova, A. Atamuratov, A. Seyitniyozova, N. Kariyeva, S. Rajabov, S. Yusufov, A. Sobirov, X. Madirimov, X. Radjabov, I. Bekturdiyev, B. Radjapov, A. Xodjayazov, A. Matkarimov, M. Djumanazarova, R. Nafasov, Sh. Navruzov, Y. Tadjiyev, R. Sovutov, A. Samandarov, L. Yusupova, Sh. Masharipov, H. Bekchanov, D. Shalikaeva, S. Nurmuhammedov, I. Matnazarov, Q. Soburov, K. Yuldashev, A. Bobojonov, Sh. Nurimetov, H. Masharipova, S. Qurambayev, M. Ashurova, A. Shomurotov.

ILMIY-TEXNIK ANJUMAN DASTURIY QO‘MITASI:

Rais: “ARXITEKTURA, QURILISH, DIZAYN” ilmiy-amaliy jurnalining bosh muharriri, i.f.d., prof. **Nurimbetov Ravshan Ibragimovich**

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universitetida 2025 yil 15-16-sentabr kunlari “Qurilish va arxitektura sohasidagi innovatsion g‘oyalar, integratsiya va tejamkorlik” mavzusidagi respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya materiallari kiritilgan.

To‘plamga kiritilgan maqolalar mazmuni, ilmiy salohiyati va keltirilgan dalillarning haqqoniyligi uchun mualliflar mas’uldirlar.

НУКУС ШАҲРИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЖМУАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Нажимов Искендер Пердебаевич

Қорақалпоқ давлат университети “Шаҳар қурилиши” кафедраси доценти

Бауетдинов Бердақ Зинатдин ули

Қорақалпоқ давлат университети “Архитектура” кафедраси ассистенти

Аннотация

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ҳудудий марказлари, хусусан Нукус шаҳри урбанизатсия жараёнининг жадаллашуви билан ажралиб туради. Турар жой массивларининг кенгайиши ва аҳолининг турмуш даражасининг ошиши хизмат кўрсатиш мажмуаларига бўлган талабни кескин оширди. Хизмат кўрсатиш мажмуаларига уй-жойларни бошқариш компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш пунктлари, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш объектлари, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари киради. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Нукус шаҳрида мавжуд хизмат кўрсатиш мажмуаларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, уларнинг жойлашуви, техник таъминоти ва аҳолининг эҳтиёжларига жавоб бериш даражасини таҳлил қилишдан иборат.

Калит сўзлар

Турар-жой бинолари, хизмат кўрсатиш мажмуалари.

Кириш

Турар-жой бинолари учун хизмат кўрсатиш мажмуалари (ХКМ) шаҳар инфратузилмасининг муҳим қисми ҳисобланади. Улар турар-жой биноларида яшовчи аҳоли учун кундалик хизматлар, техник хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва яшаш шароитини таъминлайди. Нукус шаҳрида хизмат кўрсатиш мажмуалари аҳолининг соғлом ва қулай яшаш муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тизимининг самарадорлиги турли ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилади.

Методология

Илмий мақолани ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, анализ ва синтез усуллардан фойдаланилди.

Натижалар

Нукус шаҳрида бугунги кунда, Нукус шаҳрининг тасдиқланган бош режаси (31.12.2024)га кўра, уй-жой фондининг жами умумий майдони амалда 5 645,3 минг м² ни ташкил этади. Яқин йилларда аҳолининг яшаш майдони билан ўртача таъминланиши 18,0 м²/кишидан 23,0 м²/кишига оширилиши режалаштирилган. Уй-жой фондининг қисқариши (ескиларни бузиш, реконструкция ва бошқалар ҳисобига) 408,57 минг м² ни ташкил этиши кўзда тутилган, янги қурилиш ҳажми 3 712,9 минг м² этиши режалаштирилган. Бош режадаги маълумотларга кўра, уй-жой фонди қаватлар кесимида қуйидаги кўринишда бўлиши режалаштирилган:

1–2 қаватли якка тартибдаги уйлар: 4 214,1 минг м² (74,94%) → 4 193,6 минг м² (45,58%). Бунда, паст қаватли сегмент улуши камаяди, лекин мутлақ ҳажм деярли сақланади.

4–5 қаватли уйлар: 1 223,2 минг м² (21,67%) → 2 299,5 минг м² (24,99%). Ўрта қаватли кўп хонадонли уйларнинг ўсишини кўришимиз мумкин.

7 қаватли уйлар: амалда йўқ → 552,0 минг м² (6,0%). Айтиш мумкинки бу Нукус шаҳри учун янги сегмент сифатида пайдо бўлади.

9 қаватли уйлар: 10,84 минг м² (1,8%) → 779,4 минг м² (8,47%). Бунда юқори қаватли фонд сезиларли кенгаяди.

12 қаватли уйлар: амалда йўқ → 415,4 минг м² (4,52%). Бунда юқори қаватли фонд сезиларли кенгаяди.


16 қаватли уйлар: 22,12 минг м² (2,8%) → 922,7 минг м² (10,03%). Энг баланд сегментнинг улуши ва ҳажми жадал ортади. [1]

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, Нукус шаҳрининг турар-жой фонди таркибини қуйидагича диаграмма шаклида кўриш мумкин (1-расм).

Кузатувлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда Нукус шаҳрида хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳолати қуйидагича кўринишда:

Техник хизматлар: электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, иситиш тизимлари ва лифтлар хизмати кўрсатувчи ташкилотлар мавжуд, аммо эски уйларда уларнинг ишончилиги паст;

Маиший хизматлар: уй таъмири устахоналари, чилангарлик, тозалаш ва озик-овқат дўконлари сони янги маҳаллаларда кўпроқ, лекин айрим эски кварталларда етишмовчилик кузатилади;



1-Расм. Нукус шаҳрининг турар-жой фонди таркиби

Ижтимоий хизматлар: болалар боғчаси, мактаб ва спорт майдончалари янги турар-жойларда кенг жорий этилган бўлса-да, эски бинолар орасида ҳали ҳам номувофиқлик бор.

Айтиш мумкинки, турар жойларга хизмат кўрсатишда куп учрайдиган асосий муоммоларга қуйидагиларни атаб утсак мақсадга мувофиқ бўлади:

- эски уйларда муҳандислик тармоқлари ва лифтларнинг эскирганлиги;
- техника ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг маблағ ва кадрлар етишмовчилиги;

- хизмат кўрсатиш объектларининг шаҳар бўйлаб нотенг тақсимланиши ва ҳ.к.

Сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг 52.3%и янги турар-жойлардаги хизмат кўрсатишдан қониқарли деб баҳолаган, аммо эски уйларда истиқомат қилувчиларнинг 36,9 %и хизмат сифати пастлигидан норози.



Муҳокама

Нукус шаҳрида ХКМнинг ҳолати турли ҳудудларда турлича. Янги қурилган уйларда замонавий инфратузилма ва хизматлар мавжуд бўлса, эски уйларда таъмир, модернизация ва техник хизмат кўрсатиш сифатини ошириш зарур. Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишлар тавсия этилади:

- **Давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция жалб қилиш** – лифтлар ва коммуникацияларни янгилаш.

-**Экологик ёндашувни ривожлантириш** – чиқиндиларни саралаб йиғиш ва қайта ишлаш тизимини кенгайтириш.

-**Кадрлар тайёрлаш** – хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари учун малака ошириш курсларини ташкил қилиш.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Нукус шаҳрида турар-жой бинолари учун хизмат кўрсатиш тизимида сезиларли ривожланиш ва модернизация жараёнлари кузатилмоқда, аммо эски уйлардаги инфратузилма ва хизматлар сифатини ошириш ҳали ҳам асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида инвестициялар жалб этилиши, электрон хизмат тизимларини жорий қилиш ва кадрлар малакасини ошириш орқали хизмат

кўрсатиш мажмуаларининг самарадорлигини ошириш мумкин. Бу аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга ва шаҳар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 13-декабрдаги 837-сон [қарори](#)
2. Нукус шаҳар статистика бошқармаси ҳисоботлари (2023).
3. Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги стратегияси (2022–2025).
4. Исламов Т. “Шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш тизимининг ўрни”, Урганч давлат университети илмий тўплами, 2021.
5. Халқаро тажриба манбалари: World Bank Urban Infrastructure Report, 2022.
6. Қодирова С. А. — “Тура-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш” (2019).

SHAHAR AHOLI MANZILGOHLARI MORFOLOGIYASINING HUDUDIIY XUSUSIYATLARI

Gulimmatov Ikrom Baxtiyarovich

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti “Geodeziya,
kartografiya va kadastr” kafedراسи dotsenti, g.f.f.d

Normetov Suhrob Muxiddin o‘g‘li

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti “Geodeziya,
kartografiya va kadastr” kafedراسи stajor-o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada antropogen landshaftlar sifatida aholi manzilgohlarining tarkibiy tuzilishi va ularning hududiy xususiyatlari atroflicha tahlil qilingan.

Аннотация

В данной статье были проанализированы структура и территориальные особенности поселений населения как антропогенных ландшафтов.

Abstract